

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ

«МОЛИЯ ВА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ» КАФЕДРАСИ

**«Химояга тавсия этилди»
«Молия ва суғурта хизматлари»
кафедраси мудири, проф.
Зайналов Ж.Р.**

2012 йил «26» май

**“Суғурта иши” таълим йўналиши
СИ-108 гуруҳ талабаси Пулатов Бектошнинг**

**«Мажбурий тиббий суғуртанинг жорий этилишини таъминлаш
йўллари («Ўзагросуғурта» ДАСК Каттакўрғон шаҳар бўлими
маълумотлари бўйича)» мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: проф. Ходжаев Э.Н.

**Илмий маслаҳатчи: Хидиров Ф.Н. –
“Ўзагросуғурта” ДАСК Самарқанд
вилоят дирекцияси директори**

«Сугурта иши» таълим йўналиши талабаси Пулатов Бектош томонидан
«Мажбурий тиббий сугуртанинг жорий этилишини таъминлаш йўллари
(«Ўзагросугурта» ДАСК Каттакўрғон шаҳар бўлими маълумотлари
бўйича)» мавзусида бажарилган битирув малакавий ишига илмий

рахбарнинг
МУЛОҲАЗАСИ

Мамлакатни модернизациялаш шароитида тиббий сугурталашга доир масалаларни ўрганиш бу борада мавжуд муаммоларни ёритиш ва бартараф этишга оид назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш ва асослаш муҳимдир. Тиббий сугурталаш муносабатларини ролини ўрганиш, тадбиқ этиш ва таҳлил этиш зарур. Талаба Пулатов Бектош томонидан ёзилган битирув малакавий иши ана шундай масалаларни ўрганишни ўз ичига камраб олган.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий ва амалий аҳамиятлари кенг ёритиб ўтилган. Тиббий сугурталашнинг сугурта муносабатларни ривожлатиришдаги ўрни, уни таркибий ва гуруҳланишга доир фикр ва мулоҳазалар ишнинг 1-бобида келтирилган бўлса, иккинчи бобида эса тиббий сугурталаш операцияларидан фойдаланиш амалдаги ҳолати ва унга таъсир этувчи омиллар ёритиб ўтилган. Битирув малакавий ишнинг 3-бобида тиббий сугурталаш операцияларини барқарорлигини таъминлаш, тиббий сугурталаш операцияларини ривожлантириш, шунингдек, 4-бобда инсон ҳаёти фаолияти хавфсизлигини таъминлашда қайта сугурталашнинг ўрни ёритиб ўтилган. Хулоса ва таклифлар қисмидан эса иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қайта сугурталашни самарали ташкил этишга, мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодий тараққиётни юксалтиришга доир масалаларни ҳал этишда тиббий сугурталаш ролини оширишга доир таклифлар берилган.

Ишда илмий тадқиқотнинг сифатига таъсир этмайдиган камчиликлар бор. Ишда орфографик ва грамматик камчиликлар, ҳуснихатининг чиройли эмаслигини кўриш мумкин. Бундай камчилик нисбатан ишчи тартибга ҳимоя қунига қадар тузатилади деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб, талаба Пулатов Бектош томонидан бажарилган битирув малакавий иши низомда қўйилган тартибга жавоб беради ва уни ДАК олдида ҳимоя қилишга тавсия этиш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Илмий раҳбар



проф. Ходжаев Э.Н.

**«Суғурта иши» таълим йўналиши талабаси Пулатов Бектош томонидан
«Мажбурий тиббий суғуртанинг жорий этилишини таъминлаш йўллари
(«Ўзагросуғурта» ДАСК Каттақўрғон шаҳар бўлими маълумотлари
бўйича)» мавзусида бажарилган битирув малакавий ишига
ТАҚРИЗ**

Суғурта олдиндан кўриб бўлмайдиган табиий ва бошқа ҳодисалар рўй бериши натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш билан боғлиқ мақсадли пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича пул муносабатлари йиғиндисидир. Тиббий суғурта суғуртанинг бир тури бўлиб, унда суғурталанувчи суғурта ташкилоти билан келишилган маълум ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига, тиббий хизматдан фойдаланиш бўйича харажатларнинг юзага келиш хавфини, суғурталанувчи ва суғурта ташкилоти ўртасида тузилган суғурта шартномасида келишилган сумма ва шартлар асосида суғурта ташкилотига ўтказади. Қалтислик амалга ошганда, яъни суғурталанувчи саломатлиги ёмонлашгани сабабли харажат килишга мажбур бўлганда, суғурта ташкилоти ушбу харажатларни суғурта шартномасида кўрсатилган пул суммаси доирасида қоплаб беради.

Талаба Пулатов Б. томонидан бажарилган битирув малакавий иши ҳозирги шароитда долзарб мавзулардан бирига бағишланган. БМИда ўрганилган масалалар тиббий суғурталашни ривожлантиришга барча имкониятларни яратиб беради.

БМИ келтирилган масалалар, уларни кетма-кет баён этилиш, тиббий суғурталаш орқали суғурта муносабатларини ривожлантиришга доир муаммолар ечими яратилиши диққатга моликдир. Талаба дастлаввал суғуртанинг, шу жумладан мажбурий суғуртанинг моҳиятини ёритган ҳолда сўнгра тиббий суғурталашни назарий ва амалий маълумотлардан кенг фойдаланган ҳолда ишида акс эттирган.

БМИда ўрганилган масалалар, уларни илмий асосланиш даражаси, ишлаб чиқилган таклифлар ушбу мавзу ишига қўйилган талабларига жавоб беради. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, ишда камчиликлар ҳам мавжуд. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин, яъни:

- қайта суғурталаш борасида чет эл олимлари фикрларига диққатни қаратилмаганлиги;
- таклифларни тарқок ҳолда бўлганлиги шулар жумласидандир. Ушбу камчиликларни бартараф этиш муҳимдир.

Умуман БМИ ЎзР ОЎМТВ томонидан қўйилган талабларга жавоб беради ва уни ДАК олдида ҳимоя этишга тавсия этиш мақсадга мувофиқдир.

**«Кафолат» ДАСК Самарқанд
шаҳар агентлик бошлиғи**


О. Бобобеков

Мундарижа

Кириш.....	3
I Боб. Мажбурий суғурталашни аҳамияти ва зарурияти	
1.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишда мажбурий суғурта муносабатларини аҳамияти.....	7
1.2. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида мажбурий суғуртанинг такомиллашиб янги турларини юзага келиш омиллари.....	15
1.3. Мажбурий суғуртанинг шакллантирилишини ҳуқуқий асослари.....	19
II Боб. Мажбурий суғурта муносабатларига мажбурий тиббий суғурта муносабатларини таъсири ва таҳлили	
2.1. Тиббий суғурта мамлакат ижтимоий соҳасининг асосий таркибий қисми сифатида шаклланиш омиллари.....	22
2.2. Тиббий суғурта хизмат турлари.....	24
2.3. Соғлиқни сақлаш тизимида иш берувчининг жавобгарлигини суғурталаш омиллари.....	26
III Боб. Мажбурий тиббий суғуртани ривожлантириш йўллари	
3.1. Соғлиқни сақлаш тизимида давлат томонидан қўллаб-қувватланишини тиббий суғурта муносабатларини ривожланишини таъминлашдаги айрим жиҳатлари.....	28
3.2. Тиббий мажбурий суғурта механизмларини ривожлантириш орқали соғлиқни сақлаш тизимида тиббий хизматларни яхшилаш имкониятлари.....	30
3.3. Тиббий суғуртани соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишдаги ролини ошириш масалалари.....	35
IV БОБ. «Ўзагросуғурта» ДАСК Каттақўрғон шаҳар бўлимида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари	
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	38
4.2. «Ўзагросуғурта» ДАСК Каттақўрғон шаҳар бўлими ходимлари меҳнат фаолияти муҳофазасини ҳолати.....	40
4.3. «Ўзагросуғурта» ДАСК Каттақўрғон шаҳар бўлими ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлар.....	43
4.4. «Ўзагросуғурта» ДАСК Каттақўрғон шаҳар бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга ошириб келаётган ишлари ва уни мукамаллаштириш йўллари.....	48
Хулоса.....	52
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	54

Кириш

Бугунги кунда республикада мажбурий суғуртанинг ижтимоий йўналтирилган турли кўринишлари кенг тадбиқ этиляпти. Масалан, ўтган йили транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш жорий этилди. Жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида» Қонуни қабул қилинди. Мажбурий суғуртанинг бу турлари биринчи навбатда йўл-транспорт ҳодисалари ёки хизмат вазифаларини адо этаётган вақтда юз бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалардан ижтимоий ҳимояни кафолатлаш ва таъминлашга қаратилган.

Мажбурий суғуртанинг иқтисодий моҳияти шундаки, у суғуртанинг маълум бир турида қатнашган барча фуқаролардан тушган маблағларни жамлайди ва суғурта ҳодисаси юзага келганда ушбу ҳодиса туфайли жабр курганларнинг зарарларини қоплайди. Мажбурий суғуртанинг афзалликларидан бири шундаки, унда суғурта қамрови сезиларли даражада кенгаяди. Бу ўз навбатида қўлланилаётган суғурта тарифларини энг паст даражагача камайтириш имконини беради. Албатта, бу суғурталанувчилар манфаатларига мос келади.

Мажбурий суғурталаш моҳияти ва бу борадаги муаммоларини битирув малакавий иши доирасида тадқиқ қилиш ва уларни ҳал этиш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсади бўлиб ҳисобланади.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида суғурта ташкилотларини тўлов қобилиятини таъминлаш йўлида қуйидаги вазифаларга эътиборга қаратиш муҳим деб топилди:

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишда мажбурий суғурта муносабатларини аҳамиятини ёритиш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида мажбурий суғуртанинг такомиллашиб янги турларини юзага келиш омилларини

кўрсатиш;

- тиббий суғурта мамлакат ижтимоий соҳасининг асосий таркибий қисми сифатида шаклланиш омилларини таҳлил қилиш;

- тиббий суғурта хизмат турларини таснифлаш;

- соғлиқни сақлаш тизимида иш берувчининг жавобгарлигини суғурталаш омиллари таҳлил қилиш;

- соғлиқни сақлаш тизимида давлат томонидан қўллаб-қувватланишини тиббий суғурта муносабатларини ривожланишини таъминлашдаги айрим жиҳатларини тадқиқ қилиш;

- тиббий мажбурий суғурта механизмларини ривожлантириш орқали соғлиқни сақлаш тизимида тиббий хизматларни яхшилаш имкониятларини тадқиқ қилиш;

- тиббий суғуртани соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишдаги ролини ошириш йўллари кўрсатиш ва бошқалар.

Мажбурий тиббий суғуртани тадқиқ этишда тизимли-таркибий, гуруҳлаш, таҳлил ва синтез каби усуллардан фойдаланилди. Улар ўз навбатида, мажбурий суғурталашни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ўрганиш, унинг мақсадли фаолият сифатида талабга мос бўлишини таъминлаш ишига хизмат қилади.

БМИнинг тузилиши. БМИ таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. БМИ матни 56 саҳифадан иборат бўлиб, унда 1 та жадвал ва 3 та диаграмма келтирилган.

I БОБ. МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШНИ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРИЯТИ

1.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишда мажбурий суғурта муносабатларини аҳамияти

Молиявий бўҳронлар таъсиридан талофатсиз ёки энг кам йўқртишлар билан ўтилишини таъминлашда, субъектларнинг кўрган зарарлари ёки молиявий манбалари тақчиллигини бартараф этишда суғурталовчиларнинг маблағларидан фойдаланиш истисно этилмайди. Европа суғурга қўмитаси (СЕА)нинг маълумотларида корпоратив бошқарув маданияги юқори даражадага ва функционал риск-менежменти механизми йўлга қўйилган суғурта компанияларида ҳам риск-менежерларнинг огоҳ этишлари ва тавсиялари зътиборсиз қолдирилганлиги таъкидланган. СЕА томонидан инқироз шароитида риск-менежерлар топ-менежерлик фаолиятини юритишлари орқали, яъни устувор қарорларни қабул қилиш имкониятига эга бўлишлари ёки уларнинг директорлар Кенгаши таркибига киритилиши тавсия этилди¹. Бу жараёнда таваккалчиликнинг меъёрий чегарасини белгилаш орқали рискнинг корпоратив даражасини лимитлаш мақсадга мувофиқлиги қайд қилинди.

Халқаро суғурта казорати ассоциацияси (international Association of Insurance Supervisors (IAIS), яъни Мувофиқлаштирувчилар Иттифоқи молия бозорларида беқарорлик оқибатида рисклар трансформацияси бўйича курилиши мумкин бўлган зарар юзасидан катта ҳажмдаги қоплама тўловини амалга ошириш эҳдимоли кутилаётган лаҳзаларда амал қилиниши назарда тутилган огоҳ этиш ва тезкор чора кўриш тизимини шакллантириш таклифи билан чикди².

Инқироз воқеийликларининг дастлабки сабоқлари шуни кўрсатмоқдаки, унинг оқибати қанчалик оғир бўлишига қарамасдан, муаммонинг давлат, тармоқ ва корпоратив даражадаги оптимал ечими ишлаб

¹ Европа суғурта қўмитаси (фр. Cornite Europeen dess Assurance (CEA), инглиз. European Insurance Committee (EIC). Изоҳ муаллифники.

чикдяиши ва амалга оширилиши таъминланса, унинг молиявий-иқтисодий соғломлаштирувчилик самараси юқори бўлиши мумкин. Молиявий инқироз бўрон, тўфон ва шу тоифадаги бошқа рисклардан фарқли равишда суғурта фаолияти учун устувор моҳият касб этмайди.

Европанинг қатор мамлакатларида суғурталовчилар юзага келган имкониятдан фойдаланган ҳолда қарз берувчини суғурталаш, суғурталанган субъектнинг тўлов қобилиятини молиявий ҳимоялаш (payment protection insurance), ишлаб чиқариш фаолиятида режалаштирилмаган танаффуслар оқибатида кўрилган зарар суғуртаси каби суғурта турлари бўйича хизмат кўрсатилиши йўлга қўйишди. Бир томондан, суғуртанинг директорлар ва бошқарувчиларнинг (корпоратив) жавобгарлиги суғуртаси, эмиссия проспектини ишлаб чиқишдаги хатоликлар ва йўл қўйилган йўқотишлар суғуртаси каби турлари бўйича зарарлилик кўрсаткичлари кескин ўсиб бормоқда. Бошқа томондан, молия бозорларидаги беқарорлик, ипотека кредити rischi ва дефолт сабабларининг тадқиқи шуни кўрсатмоқдаки, тариф канчалик қимматлашувидан катъий назар суғуртанинг худди шу турларига бўлган талаб ортиши кузатилди.

Халқаро брокер Marsh компаниясининг қайд этишича, кейинги вақтларда Буюк Британия фирмаларининг директорлари, юқори савдо бошқарувчилари ва компания жавобгарлиги суғуртаси, шунингдек, суд харажатлари суғуртасига бўлган талаблари бенихрат ортиди. Тўлов қобилиятини сақлаб қолган қайта суғурталовчиларга ҳам суғурталовчиларнинг капиталлашув даражаси пасайиши оқибатида қайта суғурталашга эҳтиёж ортигани ва трансформация тарифи ошиши қулай имкониятни юзага келтирди.

Қайта суғурталовчи Hannover Re компанияси 2008 йилда кўрган зарарига қарамасдан, молия бозоридан капитал жалб этмаслигини ва мажбуриятларига дахлдор бўлмаган салмоқли суммадаги эркин капитали

² [http:// www.myinsurancematter.com](http://www.myinsurancematter.com) маълумотлари

мавжудлигини зълон килди³. Француз Қайта суғурталовчиси SKOR SA компанияси 2,5 млрд. евро ҳажмидаги эркин капитали хиеобидан бошқа мамлакатларда ўз ваколатхонасини очиш имкониятига эга эканлигини маълум килди⁴. «Munich Re» қайта суғурталаш жамияти инқирозга қадар AIG эгалик қилган АҚШнинг техник рисклар бўйича етакчи суғурталовчиларидан бири Hartford Steam Boilerни сотиб олишга киришди⁵.

Инқироз бўҳрониға қарамасдан Британия суғурталовчиси Hiscox АҚШ худудида 5 та янги бўлинмасини очиш орқали фаолиятини кенгайтириш ҳаракатини бошлаб юборди⁶. АҚШнинг хусусий инвестиция фондлари ўз маблағларини янги қайта суғурта компанияларини очишга йўналтирди. АҚШ худудларида одатда қайта суғурталовчиларнинг тинкасини қуритган катта кўламда зарарлар юзасидан қоплама тўловларини келтириб чиқарувчи анъанавий тусдаги бухронлар қутилмаётганлиги боис, уларнинг рентабеллик кўрсаткичлари 20 фоиз атрофида бўлиши башорат қилинмоқда.

Lloyd бозори ҳам 2011 йилда тарифларни ошириш зарурати йўқлигини намойиш этди. Хусусий мулк ва у билан боғлиқ операциялар худудий сегментланиши суғурта бозорида рискнинг мажмуали равишда ортиб бориши анъанасининг акси сифатида самарали ишлаши эвазига тариф сиёсатидаги барқарорлик юзага келганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Суғурта ташкилотларини тўлов қобилятини таъминлаш тажрибали ва касбий маҳоратли бошқарувчиларга эга бўлишиға қарамасдан нафакат мувофиқлаштирувчи ва назорат органларининг, балки ўз профессионал бирлашмаларининг ҳам маслаҳат ва тавсияларига эҳтиёж сезишмоқда. Суғурталовчиларнинг профессионал бирлашмалари бу жараёнда суғурта

³ «Hannover Re» 2008 йил якунлари бўйича 127 млн. евро миқдорида соф зарар кўрган (манба: www.bfm.ru)

⁴ Масалан, «Aegon NV» (Голландия)нинг, «Transamerica Reinsurance» қайта суғурталаш бўлинмаси SCOR SA» томонидан 900 млн. долл.га сотиб олиниши назарда тутилмоқда (манба www.forinsurer.com).

⁵ “American International Group Inc. (AIG)” ўзининг Hartford Steam Boiler (HSB) таркибий бўлинмасини дунёнинг етакчи қайта суғурталовчиси “Munich Re” га 742 млн. долл.га сотишга розилик берганлиги назарда тутилмоқда (манба www.forinsurer.com).

⁶ www.hiscox.com маълумотлари

хизматлари истеъмолчилари ўз саъй-ҳаракатларини қисқа муддат оралиғида (масалан, ҳаёт суғуртаси тармоғида) натижа ва фойда олишга йўналтирмасликларини, суғурталовчи(қайта суғурталовчи)лар эса, ишончли суғурта ҳимоясини таъминлашлари учун трансфер ва трансформацияга қабул қилинган риск даражасидаги захира маблағлари таъминланганлигига асосланган қоидага амал қилишлари зарурлигини тавсия этишди.

Иқтисодий жараёнларнинг глобал моҳият касб этиши молиявий-иқтисодий муносабатлар тизими ва мазкур тизим субъектлари ролининг қайта тақсимланиши, ўз навбатида, асосий тушунча ва тамойилларнинг ҳам трансформациясини тақозо этди. Кейинги йилларда халқаро молия тизимида, биринчидан, фондларни шакллантириш ва иқтисодиёт субъектлари молиявий маблағларини қайта тақсимлаш ҳамда инвестиция манбаси, иккинчидан, кўлами ортиб бораётган рискларни бошқариш шакли, учинчидан, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) узлуксизлигини таъминлашда барқарорлик омили сифатида мажбурий суғуртанинг роли ортиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Шу боис, бу жараёнда, бир томондан рискнинг мажбурий суғурта объекти сифатида ўзгарганлиги ва мураккаблашуви, бошқа томондан, ундан огоҳ этиш, назорат ва кўрилиши тасодиф бўлган зарарларни молиялаштириш механизмининг ҳам, мукаммаллашуви айнан суғурта ташкилотларини тўлов қобилиятини такомиллашувини тақозо этмоқда.

Инқироз даврида кафолат суғурта ташкилотининг тўлов қобилиятининг аҳоли ва тадбиркорларнинг суғуртага бўлган ишончлари ортиши, суғурта майдони кенгайиши каби омилларда намоён бўлмоқда. Аммо хусусий инвесторлар ҳимояси ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш тўловларни, яъни маълум харажатларни талаб этади. Масалан, Англияда барча молиявий тармоқ учун кафолат фонда банк мижозларининг жамғармаларини компенсация қилиш жараёнини енгиллаштирди. Бу жараёнда инқироз юзага келишига сабабчи ҳисобланмайдиган, аммо ундан маълум даражада зарар кўрган томон — мажбурий суғурталовчиларнинг ҳам фондга маблағ

йўналтиришларига тўғри келмоқда.

Инқироз даврида кузатилган ҳолатлардан яна бири молия жабҳаси субъектларининг қайта тақсимланишдаги ролининг ўзгариши бўлди. Давлатнинг банкяарни қўллаб-қувватлашга йўналтирган маблағларини қўлга киритиш мақсадида суғурталовчилар (масалан, АҚШнинг ликвидлилик муаммоси мавжуд бўлмаган суғурга компаниялари) қулай ҳолатдан фойдаланиб, 2008 йилда бирмунча кичикрок, аммо инқироз бўҳрони остида қолган банкларни сотиб олишди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi натижасида суғурга компаниялари ўзларининг инвеетицион сиёсатларини қайта куриб чиқишларига ҳам тўғри келди. Хусусан, улар ўз инвестицияларини асосан, давлат облигациялари каби ишончли қиммат қоғозларга йўналтирганликлари кузатилди. Бу ҳолат келгуси йилларда мажбурий суғурталовчиларнинг фойда даражасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Swiss Re маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича мажбурий суғурталовчиларнинг инвестицияга йўналтирилган маблағлари 22,6 трлн. долларни ёки жами молиявий активларнинг 12 фоизини ташкил этиши уларнинг пенсия ҳамда инвестиция фондларидан кейинги ўринда турувчи йирик институционал инвесторлардан бири эканликларидан далолат беради (1-диаграммага қаралсин)⁷.

Мажбурий суғурталовчилар инвестицияларининг 10,4трлн. доллари Европа Иттифоки ҳисобига тўғри келса, кейинги ўринларда АҚШ (26,1 фоиз) ва Япония (16,1 фоиз) бозордари туради. 10 та йирик бозорлар қаторига ривожланаётган мамлакатлардан фақат бир мамлакат, яъни Хитойга 400,0 млрд. доллар қийматидаги инвестициялар жйолаштирилган.


Мажбурий суғурталовчиларнинг жами жойлаштирилган инвестициялари қиймати жаҳон иқтисодиётига нисбатан тез суръатлар билан ўсганлигини эътироф этишда намоён бўлади. Масалан, 1995-2010 йиллар давомида етакчи 4 та (АҚШ, Япония, Франция, Буюк Британия) бозорга

⁷ www.rbcdaily.ru маълумотлари

жойлаштирилган номинал активлари кдймати ўртача 6,3 фоизга, мазкур мамлакатларда ЯИМ эса, фақат 3,6 фоизга ортганлиги ёки мазкур нисбатда усиш суръати қарийб 2 баробар юқори бўлганлиги бунинг далилидир.

1-диаграмма.

**2009 йилда суғурта компаниялари томонидан жойлаштирилган
инвестициялар**



Swiss Re хулосаларига кўра, истикболда суғурталовчиларнинг инвесторлик фаолияти бу қадар омадли кечмайди. Дэвид Ластер ўз тадқиқотларига асосланиб, суғурталовчиларнинг ААА даражадаги ишончли қимматли қоғозларга маблағ жойлаштиришларга бўлган саъй-ҳаракатлари охир оқибатда уларнинг даромадлари камайишига омил бўлиши мумкинлигидан огоҳ этади⁸. Аммо суғурталовчилар суғурта ва қайта суғурта бозорларини мувофиқлаштиришнинг янги (Solvency II каби) қоидалар ишлаб

⁸ Глазкова Т. Страховые компании пересматривают свои вложения.// Ежедневная деловая газета «РБК daily», 2 мая 2011 года (источник: rbcdaily.ru).

чиқиляётганлиги оқибатида мажбуран давлат облигацияларига маблағ йўналтиряётганликларини кузатиш мумкин. Solvency II қоидалари 2012 йилдан кучга киритилиши сабабли суғурталовчиларнинг активлари ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг бошқариш қобиляятларига бозор баҳолари жорий этилади⁹. Бунинг оқибатида мажбурий суғурталовчиларнинг капитали жойлаштирилувига кўйиладиган талаблар ортиши уларнинг давлат облигацияларига инвестиция жойлаштиришлари мажбуран янада фаоллашишига олиб келади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, инвестициянинг бу тоифада жойлаштири ҳам рискдан рақобатдан ва тўлов қобилятини пасайишидан холи эмас. Бундаи риск сифатида Греция ва Ирландияда давлат облигацияларига жойлаштирилган инвестициялар бўйича бондлар қарздорлик инқирози оқибатида барбод бўлганлигини келтириб ўтиш ўринлидир. Шунингдек, давлат облигациялари бозорининг кўлами ва ликвидлилиги даражаси юқори эмаслиги ҳам суғурталовчиларнинг инвестиция жойлаштирувларига бўлган эҳтиёжларини қриктира олмаслиги кўзга ташланмоқда. Айтиш жоизки, ушбу ҳолатлар мажбурий тиббий суғурта муносабатларига ҳам тааллуқлидир. Чунки тиббий суғуртада инвестицион омилларни суғурталаш мажбурий тиббий суғурта турларини кенгайишига ва уларни ҳар бирини натижа келтириши таъминланади.

Суғурта компаниялари, шу ўринда, айниқса, ҳаёт суғуртасига ихтисослашган компаниялар анъанавий равишда давлат облигацияларининг эгалари бўлиб қолмоқда. Улар моҳиятан давлат қарзларини молиялаштириш манбаси сифатида фаолият кўрсатиб кеяётганликларини келтириб ўтиш мумкин.

Swiss Re хулосасига кўра, юқори рейтингли қимматли қоғозларга жойлаштирилган инвестициялар ҳар доим ҳам барқарор фонда келтирмайди. «Fitch» агентлиги маълумзтларм шуни кўрсатмоқдаки, инқироз даврвда,

⁹ Solvency II — Европа мамлакатларида молиявий мувофиқлаштиришнинг янги қоидалари сифатида 2012 йилдан жорий этилиши кутилмоқда (манба: gaar.ru).

айнан AAA рейтингига эга қоғозларга жойлаштирилган маблағлар катта зарар келтирганлиги, яъни фақат 2008 йилнинг ўзида 11 минг шу тоифадаги қоғозлар ўзининг юқори кийматини йўқотганлиги бунинг далилидир"¹⁰.

Мамлакатимизда бозор инфратузилмаси таркиби ва бошқаруви такомиллашиб бораётган ҳозирги шароитда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иқтисодиётимизга, хусусан, суғурта фаолиятига таъсири сабоқларини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш зарурати шу билан изоҳланадики, «...барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим..., ...тобора чуқурлашиб бораётган ...глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди»¹¹.

Шу боис, мамлакатимизда инқирозга қарши чоралар дастурининг ишлаб чиқилиши ва унда белгиланган комплекс чора-тадбирлар аниқ ижрочиларга етказилиши ўзининг дастлабки натижасини бераётганлигини алоҳида таъкиддаб ўтиш ўринлидир. Хусусан, суғурта қонунчилиги асосларининг янада такомиллаштирилиб бораётганлиги, суғурталовчи субъектларнинг рисклар трансфери ва трансформацияси класс(тур)лари бўйича хизматлари кўлами сон ва сифат жиҳатдан ортганлиги ҳисобига 2010 йилда Ўзбекистонда суғурта компаниялари томонидан жамланган суғурта мукофотлари ҳажми 171,4 млрд. сумни ташкил этишига омил бўлди. 2007-2010 йилларда кузатилган ўртача ўсиш (37,7 фоиз) даражасига асосланиб, қайд этиш мумкинки, 2011 йилда жамланган суғурта мукофотлари ҳажми 240 млрд. сўм ҳажмида бўлиши кутилмоқда.

Суғурта компанияларининг 2011 йилда жамланган суғурта мукофотлари ҳажми олдинги йилга нисбатан 17,3 фоизга ўсганлиги, ўз навбатида, уларнинг инвестициялари ҳажми 14,70 фоизга ортишида муҳим омил бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимиз суғурта компанияларининг инвестиция портфели


¹⁰ www.fitchratings.ru маълумотлари

¹¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни

таркиби деярли ўзгаришларсиз қолган бўлса-да, сифат жиҳатидан такомиллашганлигини келтириб утиш ўринлидир (3-диаграммага қаралсин). Масалан, сутурталовчиларнинг депозитли жамғармаларга жойлаштирган маблағлари ҳажми олдинги йилга нисбатан 21,7 фоизга ортганлиги ёки 132,1 млрд. сумни ташкил этганлиги кузатилди. Сутурталовчиларнинг депозитли жамғармаларга йўналтирган маблағларининг 93,6 фоизини тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган маблағлар ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткичнинг янада ортиши кутилмоқда.

2-диаграмма

**Суғурта компанияларининг инвестицияларга йўналтирилган
маблағлари ҳажми динамикаси¹², %да**




«...Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни

таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратади»¹³.

3-диаграмма

2011 йилда суғурта компанияларининг инвестициялари таркиби¹⁴, %да



Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, инқироз жараёнида Ўзбекистон суғурта бозори субъектлари нафақат ўз тўлов қобилиятларини сақлаб қолишлари, балки бевосита хорижий компаниялар билан рақобатга киришиши қатор ижобий жиҳатларини ҳам ўзида намоён этишини эътироф этамиз. Мазкур жараёнда суғурталовчи субъектлар фаолияти янада фаоллашди. Бу ҳолат, бир томондан, потенциал инвесторларни жалб этишга қаратилган мақсадли фаолият, иккинчи томондан эса, рақобат муҳитида

¹² Манба: Газета «Бизнес-вестник Востока» № 6(1323), 20 января 2012г.

¹³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: Ўзбекистон, 2009. — 54-б.

¹⁴ Манба: Мазкур диаграмма IV Тошкент халқаро суғурта форуми, «SAIRPO» АРА «Ahbor Print» РА материаллари асосида келтирилди

яшовчанликни таъминлашга қаратилган ҳаракат, ўз навбатида, фаолликни тақозо этиши билан изоҳланади.

1.2. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида мажбурий суғуртанинг такомиллашиб янги турларини юзага келиш омиллари

Суғурта мустақил иқтисодий категория сифатида пул муносабатлари тизимида муҳим ўрин тутди. У молия, кредит каби иқтисодий категориялар билан ҳамбарчас боғлиқдир. Молия ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида вужудга келадиган мақсадли пул фондларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатларини ифодаласа, кредит аҳоли, корхона ва ташкилотлар ихтиёридаги вақтинча бўш турган маблағларни жалб этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлари йиғиндисидир. Суғурта олдиндан кўриб бўлмайдиган табиий ва бошқа ҳодисалар рўй бериши натижасида кўриладиган за-рарларни қоплаш билан боғлиқ мақсадли пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича пул муносабатлари йиғиндисидир.

Суғуртанинг иқтисодий моҳиятини тегна англаш учун суғуртани иқтисодий категория сифатидаги фундаментал принципларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Суғурта иқтисодий категория сифатида қуйидаги принципларга асосланади:

а) суғурта рискининг мавжудлиги. Риск бўлмаса, суғурталашга ҳожат қолмайди. Риск - суғуртавий пул муносабатларининг асосини ташкил этади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ва фуқароларнинг ҳаётига турли рисклар доимо таъсир кўрсатиб турадики, бу ўз навбатида ушбу рискларни рўй бериши натижасида юзага келадиган, эҳтимол тутилган зарарлардан ҳимояланиш заруриятини келтириб чиқаради. Рискларнинг юз бериши тасодиқийлик характериға эға ва у инсон онгига боғлиқ бўлмайди.

б) суғурта муносабатларининг қайта тақсимлаш характериға эғалиги. Гап шундаки, суғуртанинг иқтисодий категорияси ёрдамида корхоналар ва

аҳоли даромадларининг бир қисми қайта тақсимланади. Молия категориясидан фарқли ўларок, суғурта ялпи ички маҳсулотни бирламчи тақсимланишида иштирок этмайди, балки иккиламчи тақсимланишида иштирок этади. Корхоналар ва аҳоли даромадлари бир қисмини қайта тақсимланиши натижасида қатъий мақсадли йўналишда фойдаланиладиган суғурта фонди шаклланади. Бу хусусият суғуртани молия категорияси тушунчасига мос келишини билдиради.

в) зарарларни муайян макон ва замонда тақсимланиши. Зарарларни ҳудудлараро тақсимлаш объектларни суғуртага олиш етарли даражада камраб олинганда рўй беради. Зарарларни маълум бир вақтда тақсимлаш суғурта ҳодисаларнинг нотекис содир бўлиши билан изоҳланади. Ҳақиқатан ҳам бир пайтда барча объектларни ўз ичига камраб олган суғурта ҳодисаси юз бериши амри маҳол. Тажрибанинг кўрсатишича, суғурта ҳодисалари муайян бир даврда рўй бермаслиги, аммо бошқа йили рўй бериши мумкин. Шунинг учун, суғурта ташкилотлари ўз зиммаларига олинган мажбуриятларни бажариш мақсадида етарли миқдорда суғурта фондига эга бўлиши даркор.

г) суғурта мукофотларининг қайтарилиш характериға эғалиғи. Суғурта мукофотлари ҳисобидан шаклланган суғурта фондидағи маблағлар факат суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурталанувчига қайтарилиб берилади. Суғуртанинг иқтисодий моҳиятини англаувчи бу принцип суғуртани иқтисодий категория сифатида кредит тушунча сига яқинлаштиради. Кредитнинг асосий принципларидан бири ажратилган кредитларнинг ўз вақтида банкка қайтарилишидир.

Юқорида баён этилган принциплар жамланмаси мажбурий суғурталашнинг иқтисодий категория сифатидағи моҳиятини очиб беради.

Мажбурий суғуртанинг иқтисодий табиати унинг функцияларида ўз аксини топади. Молия, кредит каби иқтисодий категориялар билан бир қаторда суғурта ҳам бир қатор функцияларни бажаради. Таъкидлаш лозимки, иқтисодий адабиётларда суғуртанинг функциялари бир неча кўринишда

талқин этилади. Масалан, профессор В.М.Родионова раҳбарлигида chop этилган "Финансы" ўқув қўлланмасида суғурта иккита функцияни бажариши кўрсатиб ўтилган. Бу функциялар қуйидагилардан иборат: қайта тақсимлаш ва назорат функцияси¹⁵. Профессор Х.Р.Собиров суғурта қуйидаги функцияларни бажаришини қайд этади: "хавф-хатар, огоҳлантириш, инвестиция, омонат, ахборот"¹⁶.

Кўриниб туринибдики, профессор. Х.Р.Собиров суғуртанинг 5 та функцияга эгаллигини қайд этади. Лекин бу фикрга тўлиқ қўшилиш қийин. Чунки, бу функцияларнинг баъзилари тегишли баҳс-мунозарани талаб этади. Хусусан, суғуртанинг инвестиция функцияси. Инвестиция суғурта ташкилотлари учун функция эмас, балки асосий суғурта фаолиятига қўшимча равишда амалга ошириладиган фаолиятдир. Инвестициясиз ҳам суғурта ташкилотлари фаолият кўрса-тишлари мумкин. Аммо, суғурта ташкилотлари вақтинча бўш турган маблағларини инвестиция қилиш орқали қўшимча даромад олади. Функция доимийлик характериға эға ва у ўзгармасдир. Собик совет ҳокимияти даврида давлат суғурта органларининг маблағлари инвестиция қилинмас эди. Бозор муносабатларига ўтиш туфайли суғурта ташкилотларида инвестиция фаолияти билан шуғулланишға имконият туғилди. Шунинг учун инвестицияни суғуртанинг функцияси бўла олмайди, деб тасдиқдаш мумкин.

Айни шундай фикрларни ахборот функцияси ҳақида ҳам гапириш ўринлидир. Суғурталанувчиларға суғурта ташкилотлари ҳақида маълумот бериш бу суғуртанинг ахборот функцияси мавжудлигини англатмайди. Суғурта ташкилотларининг тижорат сириға кирувчи маълумотлари умуман ахборот сифатида берилмайди. Суғуртаға ахборот функцияси хослиги унчалик ҳам ўз исботини топмаган.

Суғурта қуйидаги функцияларни бажаради:

- суғурта фондини ташкил этиш билан боғлиқ функция;

¹⁵ Финансы Учебник. Под ред проф Родионовой В М - М : 'Финансы и статистика', 1992.

¹⁶ Собиров Х.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меҳнат, 1998.16-б.

- суғурта фондидан фойдаланиш билан боғлиқ функция;
- назорат функцияси.

Юқорида қайд этилган функциялар суғурта фаолиятида доимий ҳисобланади ва ҳар қандай шароитда ўзгармасдир. Суғурта фаолиятини амалга ошириш учун, албатта, суғурта ташкилотида етарли миқдорда пул маблағлари фонди бўлиши лозим. Агар, суғурталовчи пул фондини, яъни суғурта фондини ташкил этмаса, унинг молиявий аҳволи мураккаблашиши тайин. Ташкил этилган суғурта фондининг маблағлари қатъий мақсадли характерга эга бўлиб, суғурта ҳодиса-лари рўй берганда қоплама бериш учунгина ишлатилади. Суғурта фондининг маблағларини махсус ваколатли давлат органи белгилаган тартибда ва шартларда инвестиция қилишдан ташқари бошқа мақсад-ларда ишлатиш ман этилади. Суғурта фонди маблағлари давлат томо-нидан олиб қўйилиши ва солиққа тортилиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, суғурта мажбурий шаклда амалга оширилади. Ихтиёрий суғуртадан фарқли равишда мажбурий суғурта қонунчилик ҳужжатларига асосан ўтказилади ва бунда кўрсатилган юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг манфаати уларнинг иродасидан қатъий назар, мажбурий суғурта қилинади. Масалан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси мажбурий шаклда амалга оширилади. Бундан ташқари, умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, автомобиль транспортидаги йўловчилар ҳам мажбурий суғурта қилинади. Шу ерда алоҳида таъкидлаш зарурки, мажбурий суғурта турлари билан бир қаторда мажбурий давлат суғурта турлари ҳам мавжуд. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳарбий хизматчилари бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилинадилар. Шунингдек, Давлат солиқ ор-ганлари ходимлари ҳам мажбурий давлат суғуртасига олинади. Мажбурий давлат суғуртаси бўйича суғурта хизмат ҳақлари - суғурта мукофотлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

1.3. Мажбурий суғуртанинг шакллантирилишини ҳуқуқий асослари

Мабурий суғурта фуқаролар ва корхоналарнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ манфаатларини ҳимоя этувчи самарали восита сифатида инсоният тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлган. Бизгача етиб келган манбаларга қараганда, дастлабки суғурта шартномалари бундан **VI-VII** аср муқаддам Византия ерларида пайдо бўлган. Баъзи олимлар, хусусан, профессор Х.Р.Собиров суғуртанинг вужудга келиши билан боғлиқ муаммога ўз муносабатини билдириб, шундай деб ёзади: "Суғурта тушунчаси пул ва кредит тушунчаларидан олдин шакллана бошлаган. Дастлабки жамоа тузуми даврида ҳар бир оила ҳаёт учун энг зарур озик-овқат заҳираларини ғамлаш заруриятини тушуна бошлаганда, заҳиралар етарли бўлмаса ёки бирор ҳодиса туфайли қўшимча моддий неъматларга эҳтиёж сезилса, қўшнилардан қарз олинган, бузилган иморатлар ҳашар йўли билан тикланган" . Суғурта ҳимоя воситаси сифатида пул ва кредит тушунчаларидан олдин пайдо бўлиши мумкин. Суғурта за-хиралари натура шаклида шаклланган. Бу анча қийинчиликларни келтириб чиқарган. Чунки, заҳираларни натура шаклида жамғариш уларни узоқ муддат сақлаш имкониятини бермаган. Товар-пул муносабатларининг пайдо бўлиши суғурта заҳираларини пул кўринишида шакллантиришга замин яратган.

Маълумки, пулнинг асосий функцияларидан бири тўлов вазифасини бажаришидир. Пулнинг пайдо бўлиши муносабати билан суғурта заҳирасига йиғиладиган суғурта мукофотлари пул кўринишида тўланадиган бўлган. Ҳозирги кунда суғурта заҳираларини фақат пул кўринишида шакллантирилиши қонунда белгилаб қўйилган. Суғурта мукофотлари ҳам пул кўринишида тўланади.

Илмий ва иқтисодий адабиётларда мажбурий суғуртанинг иқтисодий моҳиятини ёритишда турлича ёндашувлар мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, профессор Х.Р. Собиров тушунчасига қуйидагича таъриф беради: "Кўпчилик адабиётларда суғурта сўзи хавф-хатар, даҳшат, ваҳима маъносида

ишлатилади, чунки кўрсатилган табиий офатлар ва бахтсиз ходисалар натижасида жамият ҳаётига моддий зарар етказилади. Лекин мажбурий суғурта деганда ана шу рухий ҳолатлар эмас, балки булар орасида вужудга келган ва пайдо бўлиши мумкин бўлган фавқулодда зарарлар ва уларни кучини қирқишга қаратилган тадбирлар, зарар натижасида вужудга келган камомаднинг ўрнини тўлдириш, бу йўналишда юзага келадиган суғурталовчи ташкилотлар ва суғурталанувчилар ўртасидаги муносабатлар кўзда тутилади"¹⁷. Бу ерда келтирилган таъриф мажбурий суғуртанинг иқтисодий моҳиятини тўлиқ очиб беролмайди. Бунинг устига профессор Х.Р.Собиров томонидан юқорида берилган таъриф узундан-узоқ бўлиб, суғуртанинг моҳиятини тезда илғаб олишни қийинлаштиради. 2002 йилнинг 5 апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган "Суғурта фаолияти тўғрисида" ги Қонуннинг 3-моддасида шундай дейилади: "Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади"¹⁸. Суғурта тушунчасига берилган бу таъриф россиялик иқтисодчи, профессор Б.Ю.Сербиновский берган таърифга яқиндир: "Суғурта юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта бадаллари (мукофотлари)дан шаклланадиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) рўй берганда ушбу шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича муносабатлар тизимидир"¹⁹. Аммо шуни ёддан чиқармаслик зарурки, суғурта нафақат юридик ёки жисмоний шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя этувчи восита, балки жисмоний шахсларнинг ҳаётига, соғли-ғига бахтсиз ходисалар содир бўлиши натижасида шикаст етказил-ганда, уларга суғурта суммаларини бериш йўли билан ҳимоя этувчи воситадир. Шу боис, профессор Б.Ю. Сербиновский

¹⁷ Собиров Х.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб -Т.: Мехнат, 1998 йил 8-9-б.

¹⁸ "Суғурта фаолияти тугрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.-//Халқ сузи, 2002 йил, 28 май.

¹⁹ Сербиновский Б Ю Страховое дело - М "Феникс". 2000 г. 7 стр

берган таърифни ҳам тўлиқ деб бўлмайди. Яна бир иқтисодчи олима Н.В.Бендина суғуртанинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш мақсадида куйидагиларни таъкидлайди: "Юридик ва жисмоний шахслар зарар кўрганда кўрилган зарарни кўпчилик шахслар ўртасида тақсимлаш орқали уни қоплаш усулидир". Ушбу олиманинг фикри эътиборни ўзига тортишини эътироф этиш жоиз. Дарҳақиқат, суғурта фонди кўпчилик жисмоний ва юридик шахсларнинг тўлайдиган суғурта мукофотлари ҳисобига шаклланиб, ушбу фондни шакллантиришда иштирок этган шахсларнинг мулкӣ манфаатларига табиӣ ҳодисалар натижасида зарар етганда, ушбу фонддан суғурта қопламаси берилади. Яна бир марта таъкидлаш лозимки, у фақат шу фондни ташкил этишда қатнашган шахсларгагина берилади. Яъни, бир шахс кўрган зарар кўпчилик ўртасида тақсимланади. Шу маънода, Н.В.Бендина томонидан берилган таъриф суғуртанинг иқтисодий моҳиятини қисман ёритиб бера олади. Бунга ўхшаш таърифларни кўплаб келтириш мумкин.

Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва ҳуқуқӣ асослари ҳақида фикр юритар эканмиз, суғуртанинг мақсад ва вазифалари мустақиллик йилларида том маънода ўзгарганлигини таъкидлаш жоиз. 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда 26 та суғурта ташкилоти фаолият кўрсатаёпти. Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги "Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ, мулк шаклидан қатъӣ назар, ҳамма суғурта ташкилотлари, 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб 3 йил муддатға даромад (фойда) со-лиғини тўлашдан озод этилди '. Фармонда кўрсатилганидек, солиққа тортишдан бўшаб қолган пул маблағлари биринчи навбатда суғурта ташкилотларини моддий-техника базасини мустаҳкамлашға сарфланган. Шунингдек, ушбу пул маблағлари минтакаларда суғурта агентликлари тармоқларини кенгайтиришға, кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишға йўналтирилган.

Шундай йўл тутилиши мамлакатда мажбурий суғурта бозорининг ривожланишиға катта имкониятлар яратди.

II БОБ. МАЖБУРИЙ СУҒУРТА МУНОСАБАТЛАРИГА МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТА МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАЪСИРИ ВА ТАҲЛИЛИ

2.1. Тиббий суғурта мамлакат ижтимоий соҳасининг асосий таркибий қисми сифатида шаклланиш омиллари

Тиббий суғурта суғуртанинг бир тури бўлиб, унда суғурталанувчи суғурта ташкилоти билан келишилган маълум ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига, тиббий хизматдан фойдаланиш бўйича харажатларнинг юзага келиш хавфини, суғурталанувчи ва суғурта ташкилоти ўртасида тузилган суғурта шартномасида келишилган сумма ва шартлар асосида суғурта ташкилотига ўтказди. Қалтислик амалга ошганда, яъни суғурталанувчи саломатлиги ёмонлашгани сабабли харажат қилишга мажбур бўлганда, суғурта ташкилоти ушбу харажатларни суғурта шартномасида кўрсатилган пул суммаси доирасида қоплаб беради.

Агар тиббий суғурта шартномаси ихтиёрий тарзда тузилса, бу ихтиёрий тиббий суғурта ҳисобланади. Тиббий суғурта шартномаси қонун асосида мажбурий тарзда тузиладиган бўлса, яъни фуқаролар қонунга биноан, тиббий суғурта шартномаси тузишга мажбур бўлсалар, у ҳолда суғуртанинг бу тури мажбурий тиббий суғурта ҳисобланади. Ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта, суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик асосида фаолият олиб бораётган ва тижорат ташкилоти ҳисобланувчи суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Қонунчиликка асосан, мажбурий тиббий суғурта, суғуртанинг ижтимоий йўналтирилган тури ҳисоблангани боис, ушбу суғурта турини амалга оширувчи суғурта ташкилотлари учун молиявий барқарорлик ва тўлов қобилиятига оид қўшимча талаблар қўйилиши мумкин.

Бунда шуни таъкидлаш лозимки, мажбурий тиббий суғурта ижтимоий суғурта кўринишида ҳам амалга оширилиши мумкин. Ижтимоий суғуртанинг одатдаги суғуртадан фарқ қилувчи томони шундаки, ижтимоий суғуртада ягона ижтимоий суғурта фонди яратилади ва бу фонд асосан, суғурта

маблағларини тўплаб, тижорат мақсадларини кўзламаган ҳолда маблағларларни мўлжалдаги мақсадларга қайта тақсимлайди. Мажбурий тиббий суғуртани ижтимоий суғурта сифатида амалга оширганда бу соҳадаги муносабатлар суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик доирасига тушмайди, Бу ўз навбатида ушбу соҳадаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи янгича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуасини ишлаб чиқишни талаб этади.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, мажбурий тиббий суғуртанинг универсал модели амалиётда йўқ. Ҳар бир мамлакат узининг соғлиқни сақлаш ва суғурта тизимидан келиб чиққан ҳолда мажбурий тиббий суғурта тизимини яратади.

Фикримизча, у ёки бу шаклда мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун амалдаги суғурта тизими ва мамлакатдаги соғлиқни сақлаш тизимини таҳлил этиш ва у ёки бу шаклдаги мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш зарурияти ва унинг қай даражада мақсадга мувофиқ эканини баҳолаш лозим.

Мустақиллик йилларида суғурта ва соғлиқни сақлаш тизимлари чуқур ислохотлар ва ривожланиш жараёнидан ўтди. Бозор иқтисодиётига ўтиш билан суғурта соҳаси монополиядан чиқарилди, бозор муносабатлари асосида ривожланиш йўналишлари белгилаб олинди. Бу вақт мобайнида ҳукумат томонидан суғурта соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида қатор чора-тадбир ва дастурлар амалга оширилди. Бу ўз навбатида мамлакатда тўлақонли ривожланувчи суғурта бозори шаклланишини таъминлади. Суғурта фаолияти лицензияланадиган фаолият турига айланди. Суғурта соҳаси барча ривожланган давлатлардаги каби иккига - ҳаёт суғуртаси ва умумий суғуртага бўлинди. Халқаро талабларга мос келувчи, шунингдек, миллий ўзига хосликни ҳисобга олувчи меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди. Бугунги кунда суғурта соҳаси мамлакат иқтисодиёти молиявий инфратузилмасининг жадаллик билан ривожланаётган секторларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон суғурта бозорида 32 та суғурта

компанияси, 3 та суғурта брокери ва 6500 га яқин суғурта агентлари, фаолият юритмокда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мамлакат ижтимоий соҳасининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган соғлиқни сақлаш сезиларли ўзгаришларни бошидан кечирди. 1998 йилгача давом этган қатор тайёрлов тадбирларидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ, «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Концепцияси» ва «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури» тасдиқланди. Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизими ислохотининг асосий қисми яқунланган. Бугун республика соғлиқни сақлаш тизими анча мураккаб тузилишга эга.

2.2. Тиббий суғурта хизмат турлари

Соғлиқни сақлаш тизими давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларига бўлинади. Хусусий тиббиёт муассасалари ўз фаолиятини соғлиқни сақлаш вазирлиги берган рухсатнома (лицензия) асосида олиб боради. Давлат тиббиёт муассасалари республика соғлиқни сақлаш тизимида асосий ўрин эгаллайди. Давлат тиббиёт муассасалари уч босқичга: республика, вилоят ва туман (шаҳар, қишлоқ) босқичларига бўлинади.

Агар тиббий хизматларни шартли равишда уч турга: бирламчи тиббий-санитария ёрдами, ихтисослашган тиббий ёрдам ва юқори технологик тиббий ёрдамга ажратсак, бу хилдаги хизматлар турли тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилишини таъкидлаш керак бўлади.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами ўз ичига анча кенг тарқалган касалликлар, жароҳатлар, заҳарланиш ва бошқа шу каби вазиятларда шошилиш ёрдам кўрсатиш, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши, ўта муҳим касалликларга қарши профилактик тадбирларни бажариш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза этишга оид чораларни кўриш, фуқароларга

турар-жойларига қараб тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ишларни олади.

Масалан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами Республика шошилинич тиббий ёрдам маркази, унинг вилоятлардаги филиаллари, туман (шаҳар) касалхоналарининг шошилинич тиббий ёрдам булимлари, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктлари ва шаҳардаги оилавий поликлиникалар томонидан кўрсатилади.

Ихтисослашган тиббий ёрдам профилактика, диагностика, даволашнинг махсус усуллари талаб этиладиган касалликларда кўрсатилади.

Юқори технологик тиббий ёрдам диагностика, даволашнинг махсус усуллари ҳамда мураккаб тиббий технологиялар ва ускуналардан фойдаланишни талаб қиладиган касалликларда кўрсатилади.

Ихтисослашган тиббий ёрдам республика даволаш-профилактика муассасалари, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ихтисослашган касалхоналар, диспансерлар, туман (шаҳар) тиббий бирлашмалари қабила томонидан кўрсатилади.

Юқори технологик тиббий ёрдам бугунги кунда республика ихтисослашган тиббиёт марказлари, вилоят ихтисослашган касалхоналари, дис-пансерлари ва юқори технологик ускуналардан фойдаланувчи бошқа тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилади.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, давлат соғлиқни сақлаш тизими шунингдек, СПИДга қарши кураш республика ва вилоят марказлари, қон хизмати, вилоят қон қуйиш станциялари, республика, вилоят ва туман (шаҳар) давлат санитария-эпидемиология марказлари, илмий-текшириш институтлари, олий ўқув юртларини ҳам ўз ичига олади.

2.3. Соғлиқни сақлаш тизимида иш берувчининг жавобгарлигини суғурталаш омиллари

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашда барча иш берувчилар ходимларнинг касб касаллигига учраши, иш вақтида жароҳат олиши ёки касб мажбуриятларини адо этаётган пайтда саломатлигига етиши мумкин бўлган бошқа зиёнлар билан боғлиқ зарарларни қоплашга оид ўзларининг фуқаролик жавобгарликларини мажбурий тарзда суғурта қиладилар. Маълумки, меҳнат қонунчилигига биноан, ходимнинг касб касаллигига учраши, иш вақтида жароҳат олиши ёки касб мажбуриятларини адо этаётган пайтда саломатлигига етиши мумкин бўлган бошқа зиёнлар учун иш берувчи жавобгар ҳисобланади. Етган зарарни қоплаш қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- жабрланувчининг иш вақтида жароҳат олгунча ёки касб касали аниқлангунча бўлган давргача олган ўртача ойлик иш ҳақининг жабрланувчи олган жароҳат даражасига нисбатан фоизи ҳисобидаги ойлик тўловлар;

- ҳалок бўлганнинг ўртача ойлик иш ҳақидан унинг ўзига ва оиласининг меҳнатга қобилиятли бўлган аъзоси, шунингдек, унинг қарамоғида бўлган, лекин етказилган зарарни доплат учун бериладиган маблағни олишга ҳақли бўлмаган кишиларнинг улушини чегириб ташлаган ҳолда ойлик тўлов тўлаш;

- жабрланувчи ёки наф олувчига қонунчиликда белгиланган ҳолларда бериладиган бир марталик нафақа;

- дафн харажатлари. мажбурий суғурта шартномасида белгиланган, лекин қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақининг уч баробаридан кўп бўлмаган ҳажмда қоплаб бериш. Бунда марҳумнинг ҳалок бўлган санасида амал қилган энг кам иш ҳақи миқдори инобатга олинади;

- иш берувчининг қўшимча харажатларининг қонунчиликка мувофиқ қоплаб берилиши.

Ходимнинг оғир жароҳат олганда ёки ҳалок бўлганда иш берувчи томонидан қоплаб бериладиган маблағга яна каттагина харажатлар қўшилиши ва бу иш берувчининг молиявий аҳволига сезиларли таъсир кўрсатиши, шунингдек, иш берувчининг маблағи етмаслиги ва жабрланган ходим ўзи курган зарарни қоплай олмаслигига олиб келиши мумкин. Фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг жорий этилиши ушбу муаммоларни суғурта механизми воситасида ҳал этишга имкон беради. Бу ходимнинг ижтимоий муҳофазаси кафолатланишини ҳамда корхона ва ташкилот барқарорлигини таъминлайди. Яъни мажбурий суғурта иш берувчилар ўртасидаги суғуртага тўланган маблағларни қайта тақсимлаш вазифасини ҳам ўтайди. Қонунчилик бўйича ушбу мажбурий суғуртани амалга ошираётган суғурта ташкилотининг даромадлилиги 5% билан чегараланади.

III БОБ. МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Соғлиқни сақлаш тизимида давлат томонидан қўллаб- қувватланишини тиббий суғурта муносабатларини ривожланишини таъминлашдаги айрим жиҳатлари

Соғлиқни сақлаш тизимининг мураккаблиги ушбу тизим олдида республика фуқаролари саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қандай вазифалар қўйилганидан келиб чиқади. Шуниси равшанки, соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлиги кўп жиҳатдан уни молиялаштириш тартибига боғлиқ. Амалиёт шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитида соғлиқни сақлаш тизимини юз фоиз давлат томонидан молиялаштириш мақсадга мувофиқ келмайди. Шу боис республикада 1998 йилда бошланган ислохотлар соғлиқни сақлаш тизимининг бюджет, хусусий ва молиялаштиришнинг аралаш шакли қўлланиладиган тиббиёт муассасаларидан бир йўла фойдаланиладиган моделини яратишни кўзда тутди.

Мазкур модель биринчи навбатда кафолатланган ҳажмдаги бепул тиббий-санитария хизмати билан таъминлашни ва шу билан соғлиқни сақлаш тизимининг молиявий базасини аралаш ва хусусий хизмат шаклини ривожлантириш ҳисобига такомиллаштиришни кўзда тутди. Бунда фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш ва ижтимоий ҳимояга бўлган конституцион ҳуқуқи принципларига риоя этилиши ҳамда аҳолининг турли хилдаги, ҳам пуллик, ҳам бепул тиббий хизматдан тенг равишда фойдалана олиш имкониятини сақлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Масалан, молиялаштириш тартибидан келиб чиққан ҳолда тиббиёт муассасаларини ўрта гуруҳга бўлиши мумкин. Яъни: бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар, аралаш шаклда молиялаштириладиган муассасалар ва хусусий молиялаштириладиган муассасалар.

Суғурта ташкилотларида ликвидликни таъминловчи икки асосий манба мавжуд:

1.Пул маблағлари оими. Суғурта ташкилотига пул маблағлари икки фаолият асосида келиб тушади. Биринчиси, суғурта операцияларидан, иккинчиси, ташкилотнинг активларни инвестиция қилиши натижасида фоиизлар, дивидендлар, кўчмас мулк ренталари ва бошқа кўринишларда келиб тушувчи пул маблағларидир.

2.Активларни сотиш. Ликвидликнинг бу манбаи инвестицион активларни қамраб олади. Ташкилот ўзини пул маблағлари билан таъминлаш мақсадида қимматли қўғозлар, кўчмас мулк ёки бошқа активларни сотиши мумкин.

Суғурта ташкилотида пул маблағлари оими ва активларнинг пул маблағларига бўлган талабни кондир-ра олиш даражаси турли ликвидлик коэффициентлар орқали аниқланади.

Келгусида суғурта ташкилотининг пул маблағларига бўлган талабини таъминловчи активларнинг даражасини, ликвид активлар ва пассивлар ўртасидаги нисбат орқали аниқлаш мумкин. Бу нисбат ликвидлилик коэффициентдир (1-жадвалга қаралсин).

Ликвид активлар ўз ичига пул маблағлари ва бозор баҳосидаги қимматли қўғозларни олади. Умумий захира ишлаб топилмаган мукофотлар захираси, зарарлар захирасидан ва харажатларни бошқариш захираларидан ташқил топади. Ликвидлилик коэффициенти тез пулга айлана оладиган активларнинг, келажакда зарарлар ва харажатлар қоплашга етарлилигини ифодалайди. Ушбу коэффициентнинг 1 га тенг бўлиши мақсадга мувофиқ.

№	Кўрсаткич номи	Ҳисоблаш формуласи	изоҳ
1	Ликвидлик коэффициенти	$Kl=Abb/Zr$	K - ликвидлик коэффициенти Abb – ликвид активларнинг бозор баҳосидаги қиймати Zr – умумий захира
2	Тўланиши лозим бўлган суғурта мукофотлари даражаси	$Tamd=Tsm/Tf$	Tamd - тўланиши лозим бўлган суғурта мукофотлари даражаси Tsm - тўланиши лозим бўлган суғурта мукофотлари Tf – тақсимланмаган фойда
3	Зарарлилик коэффициенти	$Kz=Zu+lx/Itm$	Kz - зарарлилик коэффициенти Zu - юзага келган зарарлар lx - иш юритиш харажатлари Itm - ишлаб топилган мукофотлар ҳажми
4	Инвестицион даромадлилик коэффициенти	$Ind=Id/Iya$	Ind - инвестицион даромадлилик Id - инвестицион даромадлар Iya - инвестиция қилинган активлар ўртача қиймати

3.2. Тиббий мажбурий суғурта механизмларини ривожлантириш орқали соғлиқни сақлаш тизимида тиббий хизматларни яхшилаш имкониятлари

Табиий равишда «Мажбурий суғурта механизмларини жорий этиш соғлиқни сақлаш тизимида нима беради?» деган савол туғилиши мумкин.

Агар истеъмолчи нуктаи назаридан ёндошиладиган бўлса, бугунги кунда у бирламчи тиббӣй-санитария ёрдамини ва ихтисослашган тиббӣй ёрдамнинг кафолатланган тиббӣй-санитар ёрдам доирасидаги баъзи турларини (ижтимоӣ аҳамиятга молик атрофдагиларга хавф қолиши мумкин бўлган касалликлар, туғруққа ёрдам хизматлари) бепул олиши мумкин. Ихтисослашган тиббӣй ёрдамнинг бошқа турлари ва юқори технологик тиббӣй ёрдам истеъмолчи учун пуллик бўлади, бундан ташқари, пуллик тиббӣй хизматлар шунингдек, хусусӣ тиббиёт муассасалари томонидан ҳам кўрсатилади.

Баён этилганларни ҳисобга олиб, мажбурий тиббӣй суғуртани пуллик тиббиёт қисмида жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу фуқароларнинг тиббӣй хизматлар учун харажатларини бир маромда тақсимлаш ва тиббӣй хизматлар учун белгиланган ҳажмда ҳақ тўлашини кафолатлайди. Ихтисослашган тиббӣй хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг асосӣ қисми. даволанган ҳар бир ҳолат учун ҳақ тўлаш усулида молиялаштиришга босқичма-босқич ўтаётгани боис, молиялаштиришнинг бу усули тиббӣй суғурта механизми билан муваффақиятли тарзда мувофиқлашади.

Шуни таъкидлаш лозимки, мажбурий тиббӣй суғуртани жорий этиш биринчи навбатда, ваколатли давлат органи томонидан тиббӣй хизматларнинг ягона классификатор, шунингдек, унинг асосида тиббӣй хизмат турларининг нархларини шакллантириш стандартларини тадбиқ қилишни тақозо этади. Бундан ташқари, тиббӣй хизматларнинг мажбурий суғурта билан қопланадиган ҳажмини белгилаш керак бўлади.

Ихтисослашган тиббӣй хизматларнинг одатдаги таркибӣ қисмлари қуйидагилардан иборат:

- беморларни маслаҳат бериш учун қабул қилиш;
- лаборатория хизматлари;
- диагностика хизматлари;
- амбулатор ёрдам;

- стационар ёрдам;
- реабилитацион ёрдам.

Тиббий хизматларнинг классификацияси ва давлат соғлиқни сақлаш тизими томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг ягона нархлари белгилангандан кейин ихтисослашган тиббий хизматларнинг алоҳида фукаро учун йиллик таркиби ҳажмини аниқлаш мумкин бўлади. Бу ўз навбатида мажбурий суғурта билан қопланадиган тиббий хизматлар ҳажмини белгилашга имкон беради. Умуман мажбурий суғурта механизмини жорий қилиш фуқароларнинг тиббий хизматлар учун харажатларининг давлат томонидан белгиланган меъёрининг қайта тақсимланишини таъминлайди. Мазкур механизм энг кам миқдордаги пуллик тиббий хизмат ҳажми ҳаммабоп бўлишини таъминлаш имконини яратади.

Мажбурий тиббий суғуртани амалда жорий этиш шунингдек, бир нечта асосий масалаларни ҳал этишни тақозо қилади. Булар:

- тиббий суғуртани қай шаклда жорий этган маъқул: ижтимоий суғурта шаклидами ёки тижорат суғуртаси шаклидами;
- мажбурий тиббий суғурта учун тўловлар қайси маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;
- мажбурий суғуртанинг қамрови қандай бўлади.

Юқорида таъкидлангандек, мажбурий тиббий суғурта, ижтимоий суғурта ёки суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунга мувофиқ мажбурий суғурта шаклида амалга оширилиши мумкин. Тиббий суғуртанинг ижтимоий суғурта шаклида жорий этилиши Фонд ташкил қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бу фонд мажбурий тиббий суғурта маблағларини жамлаб, шу маблағлар ҳисобига суғурталанувчилар (суғурта полислари эгалари) нинг тиббий хизматлари учун тўловни амалга оширади. Тиббий суғуртани бу шаклда ташкил қилиш қўшимча маъмурий харажатларга олиб келади. Чунки фонд республиканинг барча вилоятларида ўз бўлинмаларига эга бўлиши талаб этилади. Юқорида таъкидланганидек, бу тузилма фаолияти суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунга мос келмайди ва ижтимоий

суғуртанинг ушбу тури ва фонд фаолиятини мувофиклаштирувчи меъёрий-хукукий актлар ишлаб чиқишни талаб этади.

Лекин тиббий суғуртани ташкил қилишнинг бошқа варианты ҳам мавжуд. Бу мамлакатдаги мавжуд бўлган ва ривожланаётган суғурта тизимидан фойдаланган ҳолда мажбурий суғуртани ташкил этишдир. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка биноан, мажбурий суғуртанинг асосий шартлари ва уни амалга ошириш тартиби қонунга мувофик белгиланади. Суғуртанинг мазкур тури билан шугулланувчи суғурта ташкилотлари учун қонунга мувофик, мажбурий тиббий суғуртанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида талаблар белгиланади. Мисол учун, маълум даражадаги устав капитали, республиканинг барча вилоятларида алоҳида бўлинмаларнинг мавжудлиги, штатда маълум бир малакага эга бўлган врачларнинг мавжудлиги ёки штатида мана шундай малакага эга шифокори мавжуд бўлган ассистанс компаниялар билан келишув имзоланганлиги ва х.к. Мажбурий суғуртанинг мазкур тури тиббий суғуртанинг ижтимоий йўналтирилган кўриниши бўлгани боис суғурта компанияларининг бугунги кунда мамлакатда амал қилаётган бошқа мажбурий суғурта тур

ларига ухшаш равишда харажатлари ва даромадлари меъёрлари белгиланади. Бу вариант мажбурий суғуртани мамлакатдаги мавжуд суғурта тизимидан фойдаланган ҳолда жорий этишга имконият яратиб, янги тизимни яратиш ва уни ривожлантириш учун қўшимча харажатлар талаб этмайди.

Бундан ташқари, тижорат ташкилотлари ҳисобланган суғурта компаниялари томонидан тиббий суғуртани амалга ошириш қатор ўзига хос афзаликларга эга бўлиб, суғурталанувчига кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажми ва сифа тини назорат қилишга имкон беради. Суғурта компаниялари тижорат ташкилотлари бўлгани боис тиббий суғурта бўйича миқдори қўлга киритиш учун ўзаро рақобатлаша мажбурий тиббий суғурта нархларида давлат томонидан белгилангани боис суғурта хизматлари сифатини суғурта ташкилотлари учун ягона рақобат майдони бўлиб қолади. Бундан ташқари,

тиббий хизмат учун меъёрдан ортиқ ҳақ тўланмаслиги учун суғурта ташкилоти ўз миқдори керакли ҳажмда ва сифатли тиббий хизмат кўрсатилиши манфаатдор бўлади.

Шунингдек, мажбурий тиббий суғуртани жорий этишда суғурта бўйича тўловлар манбаининг белгиланиши энг муҳим масала ҳисобланади. Бу ҳолда фуқароларни корхоналарнинг даромадлари бюджет маблағлари тўлов манбалари бўлиши мумкин. Мажбу суғурта билан қамраб олинмаган алоҳида тоифадаги фуқаролар юқорида келтирилган манбалар бири ёки у ёхуд бу турдаги тўлов манбалари биргаликда тўлов манбаси вазифасини уташи мумкин. Бугунги кунда корхоналарнинг маблағлари ихтиёрий тиббий суғурта бўйича асосий тўлов манбаи бўлиб қоляпти. Бу тўловлар корхоналарнинг харажатлари бўлиб, қонунчиликда белгиланган меъёрларда маҳсулот (товар, хизмат) таннариhini шакллантирадиган харажатлар таркибига киритилади.

Мажбурий тўловлар бўйича тўлов манбаини белгилаш бошқа бир муҳим масала билан бевосита боғлиқ. Бу мажбурий суғурта қамровини белгилашдир. Маълумки, мажбурий суғуртанинг тамойиллари бу - умумийлик ва мажбурийликдир. Фақат мажбурий суғуртанинг маълум бир турида қатнашувчилар сони кўп бўлсагина унинг самарадорлиги баланд бўлади. Шунингдек, имтиёзли ҳисобланган ва давлат қафолатлаган тиббий-санитария хизматлари доирасида ёрдам олаётган баъзи тоифадаги фуқаролардан ташқари, барчани қамраб олгандагина мажбурий суғурта кутилган самарани бериши мумкин.

Масалан, корхона ва ташкилот ходимларини иш берувчининг маблағлари ҳисобига суғурталаш ёки мажбурий суғурта учун аралаш тўловни қўллаш мумкин. Бунда мажбурий суғурта учун тўловларнинг бир қисми ходим ҳисобидан қопланади. Бу ҳолда яна бир савол туғилади: бошқа тоифадаги фуқароларни (масалан, ишсизлар, нафақадагилар) қандай қилиб мажбурий суғуртага жалб этиш мумкин ва улар қайси манбалар ҳисобига суғурта тўловлари тулайдилар?

Хорижий амалиётда одатда мана шундай тоифадаги фуқаролар учун мажбурий суғурта тўловларини давлат ёки тегишли жамоатчилик фондлари тулайди. Демак, фуқароларнинг юқорида келтирилган тоифалари учун тўлов манбаини бўлиб бандлик фонди, нафақа фонди ва шу кабилар хизмат қилиши мумкин (эҳтимол, фондларнинг ушбу харажатлари давлат бюджети томонидан маълум даражада компенсацияланиши мумкин).

3.3. Тиббий суғуртани соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишдаги ролини ошириш масалалари

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепциясига мувофиқ, давлат қуйидагиларни ўз ичига олган бепул тиббий-санитария хизматларининг тақдим этилишини таъминлайди:

- тез, шошилишчи тиббий ёрдам кўрсатилиши;
- соғлиқни сақлашнинг бирламчи босқичларида ва қатор давлат, аввало қишлоқ жойлардаги даволаш-профилактика муассасаларида тиббий хизматлар кўрсатилиши;
- аҳолини қатор юқумли касалликларга қарши эмлаш;
- ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар ва атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликлар (сил, онкологик, рухий, гиёҳвандлик, эндокринологик касаллар ва касб касаллигига учраган беморлар)га оид ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш;
- болаларни текширувдан ўтказиш ва даволаш (пуллик касалхоналардан ташқари);
- 15-17 ёшдаги ўсмирлар ва қақирув комиссияси йўлланмаси билан келган қақирув ёшидагилар (18-27 ёш)ни текширувдан ўтказиш ва даволаш;
- туғруққа ёрдам хизматларини кўрсатиш (пуллик касалхоналардан ташқари);
- давлат даволаш-профилактика муассасаларида беморларнинг имтиёзли тоифалари (ногиронлар, уруш фахрийлари, етимлар) ни даволаш.

Тиббий-санитария хизматларининг ҳақиқий кафолатланган ҳажми соғлиқни сақлаш тизимининг давлат муассасалари томонидан кўрсатилади,

Натижада соғлиқни сақлашнинг бюджет молиялаштирилиши қуйидагиларни кўзда тутди:

- аҳолига шошилиш ва зарур тиббий ёрдам кўрсатиш, хизмат кўрсатилаётган ҳудуддаги аҳоли жон бошига сарфлаш меъёрларидан келиб чиққан ҳолда иммунизация ва юқумли касалликларга қарши эмлаш;

- туғруққа кўмаклашиш, беморларнинг имтиёзли тоифаларини амбулатор шароитда текширувдан ўтказиш ва даволаш, ижтимоий аҳамиятга молик ва атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликлар билан оғриган беморларга белгиланган меъёрлар бўйича даволанган беморларга ажратиладиган маблағлардан келиб чиққан ҳолда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш.

Аралаш молиялаштириш қуйидагилар учун кўзда тутилган:

- туман, шаҳар ва кўп тармоқли даволаш-профилактика муассасалари, бепул тиббий ёрдам тизимида кирмаган илмий-текшириш институтлари клиникаларида беморларни (имтиёзли тоифалардан ташқари) текширувдан ўтказиш ва даволаш;

- ихтисослашган даволаш муассасаларида беморларнинг имтиёзли тоифалари (ногиронлар, уруш фахрийлари, етимлар)ни текширувдан ўтказиш ва даволаш;

- алоҳида кўп тармоқли болалар касалхоналари.

Таъкидлаш керакки, кўпгина ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда, республика ҳукумати олиб борган кучли ижтимоий сиёсат натижасида давлат томонидан кафолатланган тиббий-санитария хизматлари ҳажми доирасида бепул тиббий хизмат кўрсатилиши бюджет молиялаштирилиши ҳисобига таъминланади. Бу ўз навбатида мамлакатда маълум даражада мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш заруриятини камайтиради.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар саломатлигини муҳофаза

этиш тўғрисидаги қонуни ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Концепциясига мувофиқ, давлат соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш манбаларидан бири тиббий суғуртадан тушадиган маблағлардир. Бугунги кунда республикада ихтиёрий тиббий суғурта муваффақият билан ривожланыпти.

Тиббий суғуртага кўпроқ корхона ва ташкилотлар ўз ходимларининг саломатлигини муҳофаза этишдан манфаатдор эканликларини англаган ҳолда, шунингдек, ходимларининг саломатлиги ёмонлашиши оқибатида келиб чиқадиган харажатларни тежаб қолиш мақсадида мурожаат қилишяпти. Молия вазирлиги маълумотларига қараганда, ихтиёрий тиббий суғуртадан тушган суғурта мукофотлари ҳажми 2003 йилда атиги 21 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2007 йилга келиб, бу кўрсаткич 920,7 млн. сўмга етди. Қайд этиш керакки, 2007 йилгача суғуртанинг ушбу тури бўйича мукофотларнинг йиллик ўсиш ҳажми 220% дан кам бўлмаган. Натижада суғурта компаниялари 2007 йил давомида суғурталанувчиларнинг тиббий хизмат учун сарф қилган маблағларини қоплаш ҳисобига 301,4 млн. сум тўлаган. Бу тиббий муассасаларни хусусий молиялаштиришда тиббий суғурта маблағлари улуши тобора ўсиб бораётганини кўрсатади.

IV.БОБ. «ЎЗАГРОСУҒУРТА» ДАСК КАТТАҚЎРҒОН ШАҲАР БЎЛИМИДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Жамият ва табиат асоси, уни ўз фаолияти билан ривожлантирувчи ва бошқарувчиси инсон эканлигини эътиборга олиб, унинг ҳаёт фаолиятини яхшилаш, эъзозлаш – тараққиёт йўлидаги муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан фуқароларимизнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш, ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт этиб, муҳофаза этиш асосий эзгу мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг жамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, қуруш ва терроризм ҳуружидан ҳимояланиши, табиат ва одамзот қуюнлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

Она саёрамизда илк адамларни кўйган ва тафаккур имконияти даражасига кўтарилган узоқ аجدодларимиз яшаш жойларида ўзларига хавф солиб турган йирғичлардан ҳам хавфли офатлар бўлишини тезда тушиниб етишган. Чунки, ўша даврларда ҳам зилзилалар, вулконлар, тўфонлар, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар инсонларнинг ожиз ва сийрак кабилаларига сезиларли зарар етказиб турган.

Инсоният XX1 асрга адам ўяр екан, ўтган давр мобайнидаги сову урушлар, тинчлик даврларида ўлланилган замонавий уроллар, турли кўринишдаги фалокатлар ва боша муаммоларни талил илади ва янги аср бўсаасида бажариладиган тадбирларни ар томонлама асослаган олда белгилаб олади.

XX аср поёнида хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқаришни юқори тараққий этган технологиялар билан таъминлаши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозалиги ва иқтисодни барқарор ривожланишига хавф солиб турибди. Шунинг учун энг муҳим вазифалар Ўзбекистон аҳолиси ҳаёт фаолиятини ва ҳудудини турли хил вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни, айниқса фуқаро меҳнатини муҳофазасини таъминлаш ҳисобланади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Екологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтаавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган»лигини эътироф этганлар. «Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда» асарида Президентимиз ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида батафсил тўхтаб ўтганлар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-итисодий зарурият асосида шаклланмоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва

алокатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшадини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган қўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. «Ўзагросуғурта» ДАСК Каттақўрғон шаҳар бўлими ходимлари меҳнат фаолиятини муҳофазасини ҳолати

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайитиришда, ишга

қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриктан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Сўнгги вақтларда сојлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли, умумий хас-таликлар ҳамда касб касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бироқ, қўлга киритилган катта ютуқларга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида, кичик корхоналар кўпаяётган бир пайтда (бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилмаслик ҳоллари рўй бермоқда) қишлоқ хўжалиги ва саноатда машғул бўлган ходимларга кўрсатаётган сојлиқни сақлаш ходимларига қўйилаётган талаблар пасайгани йўқ. Бу айниқса, ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш муаммосига тааллуқлидир, уларнинг нечојлик сифатли ўтказилиши, умумий ва касб касалликларида профилактика чора-тадбирларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган даражасига бојлиқ бўлади.

Умумий ва касб касалликларини, бахциз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўрикларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида 3 млн. дан ортиқ одам ишлайди, улардан 1 млн. нохуш ва зарарли меҳнат шароитларида, шу жумладан 200 минг аёл ишламоқда. Кўп корхоналарда асосий касб гуруҳларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш

омиллари (шовқин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва хоказолар)га кўйиладиган рухсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл кўйилмоқда. Бу эса касбдан касалланишнинг асосий негизини кўп жиҳатдан ишга вақтинча қобилияцизликка алоқадор касалликларни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир саноат корхоналарида меҳнат шароитлари ва касбдан касалланишнинг ҳақиқий аҳволи санитария-эпидемиология хизмати томонидан кўриладиган чораларнинг етарлича самарали бўлмаслигидан ва ходимларнинг касбдан касалланишини муҳофаза қилиш борасида ўз касб бурчини тамойилиал ва пухта бажармаслигидан далолат беради.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объекларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ) кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

4.3. «Ўзагросуғурта» ДАСК Каттакўрғон шаҳар бўлимида ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, хавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кўраш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усуллари меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда республикаимиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарқилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борқилиши шарт.

Республикаимизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар

ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини огоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, ҳал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Сех, лаборатория, бўлим, омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кўраш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кўраш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

➤ саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

➤ Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

➤ ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

➤ корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

➤ ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

➤ ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

➤ ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ишчилар, хизматчилар ва муҳандис-техник ходимларининг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши

муваффаиятли кўраш олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектда ёнғин-техник комиссияси тузилади. Комиссияга бош муҳандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- объектив ёнғиннинг олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;

- ишчи-хизматчилар ва муҳандис-техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтириш ишини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин техник-комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, электр жиҳозлари, шамолатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди; ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лексиялар ўтказади; рационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда қатнашади; сеҳлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчиликни жалб этади.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши кўрашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момик юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича корхона сеҳларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони

бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуация қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бионинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуация қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жихатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.4. «Ўзагросуғурта» ДАСК Каттакўрғон шаҳар бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташҳис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқациз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқацизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа

эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учуриш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкадан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейини қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётни қутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам злектр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай

қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига мухтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу дамнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган пшкастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг ҳаётии кутқариб қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдамининг кейинги усул-амалларини қўлланиш учун ба-жарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажариладн. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга сте-рил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Биринчи медицина ёрдамининг ҳамма усул-амалларини эҳтиёт бўлиб ва авайлаб бажарнш лозим. қўпол ҳаракатлар қилинадиган бўлса, бу шикастланган кишига зарар қилиши ва унинг аҳволини ёмонлаштириб қўйиш мумкин. Биринчи медицина ёрдамини бир эмас, балки икки ёки бир неча киши кўрсатадиган бўлса, у ҳолда келишиб, иноқлик билан иш кўриш керак. Бунда ёрдам кўрсатаётганларнинг бири бошлиқ бўлиб, биринчи медицина ёрдамининг барча усул-амаллари бажарилишига раҳбарлик қилиб бориши лозим,

Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда табелдаги ва қўлда бор воситалардан фойдаланилади. Биринчи ёрдам кўрсатишда ишлатиладиган табел воситалари боғлов материали—бинтлар, медицина боғлов пакет-лари, катта ва кичик стерил боғламлар билан салфеткалар, пахта ва бошқа ашёлардир. қонни тўхтатиш учун қон тўхтатадиган жгутлар— тасмасимон ва

найсимон жгутлар, иммобилизация қилиш учун эса махсус тахтакачлар — фанера шиналар, шотисимон, тўрсимон ва бошқа хилдаги шиналар ишлатилади. Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда баъзи дори-дармонлардан фойдаланилади — ампулалар ёки флаконга солинган спиртдаги 5% ли ёд эритмаси, флаконга солинган спиртдаги 1—2% ли бриллиант яшили эритмаси, валидол таблеткалари, валериана настойкаси, ампулаларга солинган новшадил спирт, таблеткалар ёки порошок ҳолидаги натрий гидрокарбонат (ичимлик сода), вазелин ва бошқалар шулар жумласидандир. Зарарланиш ўчоқларида радиоактив заҳарловчи моддалар ва бактериял воситалар шикастидан шахсан сақланиш, профилактика қилиш учун индивидуал аптечка (АИ—2) дан фойдаланилади.

Санитар дружиналари ва санитар постлари табел воситалари билан таъминланади. қурилиш ва ишлаб чиқариш участкаларнда, сеҳлар, фермалар ва бригада-ларда, ўқув юртлари ва муассасаларда, аҳоли уюшган ҳолда дам оладиган жойларда биринчи ёрдам аптекалари комплектланиб, тахт қилиб қўйилади. Одамлар ташиладиган транспорт воситалари, шунингдек, шахсий автомобиллар аптекалар билан таъминланган бўлиши керак.

Биринчи ёрдам кўрсатиш учун қўлда бор воситалар сифатида қуйидаги нарсалардан фойдаланиш мумкин боғлам қўйиб боғлаш маҳалида—тоза чойшаб, қўй лак, газлама (яхшиси оқ газлама) дан; қонни тўхтатиш учун — жгут ўрнига шим камари ёки белбоғдан, газлама бурамадан; суяк синган маҳалларда шиналар ўрнида қаттиқ картон ёки фанер бўлаклари, тахта, таёқ ва бошқалардан фойдаланса бўлади.

Хулоса

Соғлиқни сақлаш тизимида бугунги кунда ҳам ислохотлар жараёни давом этаётган экан, мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва ислох қилиш йўналишларини ҳисобга олган ҳолда жорий этиш зарур. Хусусан, мажбурий тиббий суғуртанинг босқичма-босқич жорий этилиши суғурта камровини босқичма-босқич кенгайтириб боришни кўзда тутати. Масалан, агар биринчи босқичда аҳолининг ишлаётган қисми мажбурий суғурта билан камраб олинса, бир мунча вақт утиб, мазкур механизм синаб қурилгандан кейин иккинчи босқичга ўтиш ва мажбурий суғурта камровини янада кенгайтириш мумкин бўлади. Биринчи босқичда шунингдек, тиббий хизматларга хусусий тўлов ёки мажбурий суғурта тўловлари орқали ҳақ тўлаш имконияти сақлаб қолиниши лозим.

Албатта, бирон-бир янги тизимни жорий қилишдан аввал унинг миқдор ва сифат оқибатлари баҳоланади. Мажбурий тиббий суғуртанинг жорий этилиши барча фуқаролар ёки иш берувчиларни ҳар йили тиббий суғурта учун ҳақ тўлаб боришини талаб қилади. Агар мажбурий тиббий суғурта учун суғурта тарйфлари ходимнинг йиллик иш ҳақи ҳажми ёки корхона ва ташкилотнинг йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳажмидан келиб чиқиб белгиланадиган бўлса, у ҳолда тиббий суғурта иш ҳақи ҳажмидан қатъий назар, барча фуқароларни маълум ҳажмдаги тиббий хизмат билан таъминлаш имконини беради. Бу ҳолда тиббий хизмат харажатлари ходим ёки иш берувчи учун қанчалик катта эканлигини ва бу харажатлар аҳоли ёки корхонанинг даромади даражасига қанчалик таъсир кўрсатишини баҳолаш зарур бўлади.

Бундан ташқари, агар мажбурий суғурта тўлови баъзи тоифадаги фуқаролар учун давлат бюджети ҳисобидан тўланса, бу давлат бюджетида мажбурий тиббий суғурта харажатларини ҳисобга олинишини талаб этади. Бюджет ташкилотлари ходимларини суғурталаш давлат бюджетининг

мажбурий суғуртага ажратилган харажатларининг ошишини англатади. Бу ҳолда шуни назарда тутиш керакки, давлат бюджетининг тиббий суғурта учун харажатларини, тиббий суғурта орқали тиббий муассасаларни молиялаштириш кенгайганлиги сабабли, тиббий муассасаларни бюджетдан молиялаштириш ҳажмини қисқартириш ҳисобига компенсациялаш мумкин. Умуман олганда, мажбурий тиббий суғурта тизими мамлакат иқтисодиётидаги харажатлар ҳажмини корхона, ташкилот, аҳоли ва давлат бюджети ўртасида қайта тақсимланишини таъминлайди. Шу билан, мажбурий тиббий суғурта тизими давлат томонидан мувофиқлаштирилса ҳам, ўзининг алоҳида бўғинларида бозор иқтисодиёти белгилари ва рақобатни мужассамлаштиради ҳамда ўз навбатида тиббий суғурта маблағларининг мақсадли сарфланиши ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатининг ошишига бевосита сабаб бўлади. Бу эса мамлакат соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон,. 2005.
2. Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида” қонуни.. 2002 йил 5 апрельда қабул қилинган.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Қонуни. 2008 йил 21 февралда қабул қилинган.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” қонуни. 2009 йил 17 апрелда қабул қилинган.
5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ 21-сон.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси.
7. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: Ўзбекистон, 2005
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
9. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 179- бет.

- 10.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. -327б.
- 11.Абдуллаев Й. Сугурта иши. Маърузалар курси. - Самарқанд: СамКИ, 2003.
- 12.Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. - СПб.: Питер, 2002. -256 с
- 13.Гвоздеко А.А. Основы страхования: Учебник. – 2-е изд., переб. И доп. – М.: Финанси и статистика, 2003. -320 с
- 14.Жилина М. Государственное регулирование страхового рынка в зарубежных странах //Финансовый бизнес, 2001. №1
- 15.Зайналов Ж.Р., Мадиев А. Суғурта иши. – Самарқанд: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2009.
- 16.Климова М.А. Страхование. Учеб. пос. – М.: ПРИОР, 2004.- 137 с
- 17.Махмудова Л. Суғурта иши. Ўқув кулланма. – Т.: ТАКИ, 2004
- 18.Маянлаева Г.И. Организация страхового дела в РК. - Алматы, 2000
- 19.Основы страховой деятельности. Учебник. / Под ред.проф. Т.А. Федорова. – М.: Издательство БЕК, 2002. – 768 с
- 20.Сербиновский Б.Ю., Гаркуша В.Н. Страховое дело. Учеб.пос. для вузов. Серия Учебники, учебное пособие. - Ростов н/ Д: Феникс, 2000.- 384 с.
- 21.Скамай Л.Г. Страхование. Учеб. пос. – М.: ИНФРА-М, 2004, 160 с.
- 22.Сплетугов Ю.А. Страхование ответственности. Учебное пособие. – М.: Аудитор, 2001. – 172 с.
- 23.Страховое дело: Учебник под ред. Рейтмана Л.И. – М.: Банковский и биржевой научно – консультационный центр, 1992. – 524 с.
- 24.Страховое дело: Учебник. в 2-х т. (пер.с нем. О.И. Крютера и Т.А. Федоровой). – Т.1: основы страхования/ под.ред. О.И Крюгера. - М.: Экономист, 2004 -447 с.
- 25.Хужаев Й. Ташки иқтисодий фаолиятда суғурта. Ўқув кулланма. – Т.:

Солик академияси, 2005.

- 26.Хусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008.
- 27.Шахов В.В. Страхование. Учебник. – М.: «ЮНИТИ»,2001.- 311 с.
- 28.Шеннаев Х.М. Суғурта сизга нима беради? Ўқув кулланма. - Т.: ФТМ. 2003. – 106
- 29.Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес. Учебное пособие – М.: Анкил, 2000.
- 30.Интернет сайтлари:
www.znay.ru
www.straxovka.ru
www.agros.uz
www.unic.gov.uz
www.sig-insurance.uz
www.kafolat.dask.uz